



# ЎЗБЕКСТОН ХАЛҚ АХБОРОТИ

ЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 33 (10.029) • 1991 йил 15 февраль • жума • Баҳоси 6 тийин.

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Уш иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 14 февраль куни Тошкентда иш бошлади. Мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Сессия қатнашчилари мандат комиссиясининг маърузасини тинглади. Комиссия раиси Ш. М. Мирзиёев маъруза қилди. Қабул этилган қарорда Ўзбекистон ССРнинг янги сайланган халқ депутатлари ваколатлари тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Литва ва Латвиядаги воқеалар, шунингдек Форс кўрфазидagi уруш тобора кенгайиб бораётгани хусусида СССР Олий Кенгашига ва СССР Президенти ўртоқ М. С. Горбачёвга мурожаатнома қабул қилди.

Кун тартиби тасдиқланади. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари нархларни бошқариш принциплари ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджети тўғрисидаги масалани, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида», «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажраб-айри фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида», «Ер солиғи тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти ҳақида», «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида» (иккинчи муҳокама), «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида», «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Транспорт восталарини олиб қочаётган учун жиноий жавобгарлини кучайтириш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Президентининг, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг, Ўзбекистон ССР вице-президентининг шон-шарафига ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунарининг лойиҳаларини муҳокама қилишлари лозим. Ўзбекистон ССРнинг давлат рамазлари тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши режа ва бюджет-моллия масалалари ҳамда иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзин-ўзи бошқариш комитетларининг раислари ҳақидаги, Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосарини ва ўринбосарларини тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазиранг Маҳкамаси қонидидаги балогатга етмаганларнинг ишлари комиссиясининг таркиби ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилинади.

«Нархларни бошқариш принциплари ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. П. Мирсаидов маъруза қилди.

Шу масала юзасидан бўлган мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари К. Исроиллов (294-Қўнғирот сайлов округи), Т. Менглиев (334-Сайроб сайлов округи), М. Алимов (140-Қаторгол сайлов округи), А. Х. Тоқиев (478-Қипчоқ сайлов округи), А. Н. Воаненко (400-Қурлиш сайлов округи), С. Абляев (389-Гулiston сайлов округи), Т. П. Хидиров (230-Ленинград сайлов округи), С. Т. Жўраева (179-Галасий сайлов округи), Ж. Сидиқов (257-Тошбулоқ сайлов округи), Н. Саъдуллаев (304-Ўш сайлов округи), М. Муҳаммадулова (42-Қаршиев сайлов округи), У. З. Олимов (371-Дўстлик сайлов округи), А. Қўқоров (251-Қаққулбод сайлов округи), М. Р. Салимов (291-Булунгур сайлов округи), Т. М. Тўлаганова (5-Назарбек сайлов округи) қатнашдилар.

Сессия иштирокчилари Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг нархларни тартибга солиш қондалари ҳақидаги қарори ҳам қабул қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР халқ депутатлари навбатдаги масалани муҳокама қилишга ўтдилар. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССР фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунари лойиҳалари ҳақида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазиранг Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов маъруза қилди.

Ушбу масала юзасидан мунозараларда А. А. Юсупов (10-Юнусобод сайлов округи), Ҳ. Нодиров (496-Шуманай сайлов округи), В. В. Усмонов (107-Пискент сайлов округи), З. Т. Шарипова (233-Шахрисабз сайлов округи), В. М. Карабельникова (24-Завод сайлов округи), М. Жўраева (224-Муборак сайлов округи), В. А. Паттаева (245-Фрунзе сайлов округи), С. А. Рабобов (23-Улутбек сайлов округи), Ю. Н. Раҳмонов (164-Хўжабод сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари БМТ Бош котиби жаноб Перес де Куэльярга, СССР Президенти ўртоқ М. С. Горбачёвга, АҚШ Президенти жаноб Жорж Бушга, Ироқ Президенти жаноб Саддам Ҳусайнга, жаҳондаги барча халқларга Мурожаатнома қабул қилдилар.

Сессия ўз ишнини давом эттирмоқда. (ЎЗАТА).

## МУРАККАБ ВАЗИЯТДА ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЮРИТАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Сессия кун тартибидagi масалаларни қараб чиқишга ўтмасдан аввал мамлакатимизда, жумҳуриятимизда рўй берган вазият, умуман ҳаммаишга, бутун халқимизга тааллуқли баъзи масалалар ва муаммолар тўғрисида қисқача фикр алмашиб оلسак, керакли хулосалар чиқарсак, умумий мақсадга, бугунги талабга жавоб берадиган катта бир иш қилган бўлардик.



Бугунги замон, ҳозирги ҳаётимиз шундай тез ўзгариб бормоқдани, ҳар кун шу қадар улкан, оламшумул воқеалар юз бермоқдани, бу вазиятни тушуниш ва ундан тўғри, жамият халқимизга маъқул сиёсат йўлини ташлаб олиш, уни рўбга чиқариш, яъни ҳаётга татбиқ қилиш жуда ҳам мураккаб иш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда аҳвол кундан-кунга оғирлашиб кетаётганини, турмуш даражаси пасайиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият, республикаларо, миллатларо муносабатлар некинлашиб, баъзи минтақаларда тўқнашувлар бўлиб ва қон тўқилиб турган бир пайтда ойлочиларимиз, халқимиз сон-тоғасига қадам қўйиб келадиган мушкул, оғир кунлардан, олдин тил билан айтганда бало-қазодан сақланишда биз, раҳбарлардан, депутатлардан, жойлардаги етакчилардан халқимизга назорат қилишга ҳақлиқдир.

Ўзинимизнинг олдимизда турган жумбоқлар ва муаммоларимизни фақат ўзимиз бош қотириб ечилишимиз мумкин, уларни биз учун ҳеч ким, ҳеч қабдан келиб қол қилиб бермайди. Буни яхши биласизлар.

Гарчанд Ўзбекистонимиз, эл-юртимизнинг ҳозирги сиёсий-ижтимоий ҳамада иқтисодий аҳволида, таъминот даражасида бошқа республикалар ва минтақалардагига нисбатан ижобий фарқ мавжуд экан, буларнинг ҳаммасига авваламбор халқимизнинг қаҳрамонона, шижоатли меҳнати туфайли эришилган, булар жойлардаги йўналиш раҳбарлар, вилоят, район, қишлоқ Кенгаши раёон, давлат маҳкамалари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари олиб бораётган сиёсатнинг, зўр бериб ишлангани, тартиб-интизомни жойига қўйиб олиб бораётган фаолиятнинг натижасидир. Буни ҳар биримиз тўғри тушуниб, тўғри баҳолашимиз лозим.

Биз ҳаммамиз ҳақиқат қўзғашга тик қарашимиз керак. Чунки кундан-кунга оғирлашиб кетаётган катта-катта синовлар олдида турибмиз. Ана шу синовлардан халқимизни, бизларга ишонган фуқароларни бурчини қонатмасдан, йўқо-

Ўзбекистон манфаатини қўзлаган ҳолда, меҳнат аҳлига маъқул келадиган муносиб сиёсатни ишлаб чиқишимиз ва уни изчил олиб боришимиз, амалда татбиқ қилишда қаттиқ туришимиз зарур.

Ҳўш, азиз дўстлар, қанақа муаммолар ва синовлар тўғрисида сўз келаяпти? Келинг, шу масалалар юзасидан ўртоқларча гаплашиб олайлик.

Биринчидан, иттифоқ шартномасига муносабат, Охириги икки йилда ана шу шартнома хусусида билдирилётган ҳар хил фикрлар ва қарашлардан рўзнамалар, телевидение, радио орқали хабардоримиз. Бутун мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонимизда ҳам қанақа муносабат билдирилётгани сизларга маълум. Лекин ма, ана шу минбардан туриб, ҳозирги энг долзарб, айтилик, келажак сиёсати аниқланаётган пайтда шу масалада сизлар билан очиб-ойдин фикр алмашиб, изчил йўлимизни белгилаб олишимиз керак. Чунки келажакга қадиримизни ҳал қилаётган бу масала талабидан бошлаб меҳнат ветеранга, ишчидан тортиб элнинг аҳолиси — ҳаммамизни қизиқтиради. Уйлангиларди.

Даставвал шуни айтишим керакки, янги иттифоқ шартномасини тузишда анча кечидик. Икки йил олдин бу масалани кўтарган Болтиқбўйи республикалари овозига ҳеч ким қўлоқ солмади, марказда ўтирганлар уларнинг тақдирини қабул қилмадилар, ишни пайсалга солидилар.

Баъзи раҳбарлар эски, яъни 1922 йилги, ҳозирги талабга жавоб берадиган иттифоқ шартномасини яна олдинга суриб, бизларга ҳеч қанақа янгилик керак эмас, деганларга оқини тираб ўтираверишди. Бунақа ёндашш ўзининг салбий натижасини ва аччиқ меҳнасини маъна эди бераётти. (Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ССР Иттифоқи Олий Кенгашига ва СССР Президенти ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВГА МУРОЖААТНОМАСИ

Литвада ва Латвияда январь ойида рўй берган ва одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиали воқеалар кўп миллатли Ўзбекистон меҳнатқилларини жуда хавотирга солиб, ташвишландирмоқда. Одамлар у ёни бу республикада рўй бераётган салбий жараёнлар демократияга қаттиқ зарба бўлаётганидан, ҳуқуқий давлатимизнинг шаклланишига таъсир этаётганидан ташвишланмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мамлакатимиз оғир иқтисодий ва сиёсий таназзулини бошидан кечираётган, одамларнинг омонлиги хавф остида қолган ҳозирги кунда ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоят, ҳар бир республикадаги тинчлик ва миллий тотувлик муҳим аҳамият касб этмоқда, деб ҳисоблайди. Республика Олий Кенгаши учун бугунги кунда ҳар бир одамнинг осойишталигини, хавфсизлигини ва фаровонлигини таъминлашдан, аҳолини озиқ-овқатлар ва тарих зарур нарсалар билан таъминлашдан, минтақаларнинг экология аҳолини яхшилаш юзасидан шилинч чора-тадбирлар қўришдан, жинсийликка, чайқовчиликка, порохуриликка, яширин иқтисодийликка, ҳар бир кишининг нормал ҳаёт кечирishiга ҳалокат бераётган барча нарсаларга қарши курашишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ.

Курашаётган кучларнинг қарама-қаршилигини дарҳол тўхтатиш зарур. Барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамаият қандай фожиа ёқасида турганини тушуниб олишлари муҳим. Ҳар турли қуролиб тузилмаларни қонундан ташқари деб эълон қилиш лозим. Зарур бўлган жойларда оналар, ветеранлар, депутатлар, дин арбоблари ва бошқа нуфузли кишилар иштирокида яраштирувчи ва келиштирувчи комиссиялар зудлик билан ишга киришиши керак.

Бугунги кунда одамлар миллий адоватга йўл қўймаслик, турли миллатларга мансуб фуқаролар ўртасида тинчлик ва тотувлик бўлишини таъминлаш, демократияни, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги ўй ва ташвишлар билан яшамоғи лозим.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтаётган, ҳамма жойда нарх-наво ошаётган, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетаётган бугунги кунда ҳокимият идораларининг, ҳукуматнинг, давлат муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — фуқаролар манфаатларини, айниқса, қарииялар, болалар, ўқувчилар, кўп болали оналар, ёлғизлар, ноғиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий

қимматли муносабатларини ҳимоя қилиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни қўришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши СССР Олий Кенгашига, мамлакат Президенти ва ҳукуматига, республикаларнинг Олий Кенгашиларига мамлакатда ва ҳар бир минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш, СССР Конституцияси бериб қўйган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш, вазиятни тезлик билан нормallasтириш ҳамда қаерда юз берган бўлишидан қатъий назар, миллий адоватни бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун бор имкониятларни ишга солиш давлат билан мурожаат қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ўзаро курашаётган гуруҳлар ўртасидаги низоини ҳал этиш учун куч ишлатишни, айниқса, ҳарбий кучдан фойдаланишни қатъийан қоралайди. Вужудда келадиган муаммоларни бартараф қилишни бирдан-бир маъқул йўл уларни мулоқот ва бир-бирини тушуниш асосида сиёсий усуллар билан ҳал қилишдан иборат деб ҳисоблаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.**  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 февраль.

## Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ССР Иттифоқи Олий Кенгашига ва СССР Президенти ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши йигирма миллионли қўпмиллатли Ўзбекистон халқининг майли ва хоҳиш-иродасини ифода этиб, Форс кўрфазидagi кескин халқаро можароларнинг янада кучайиб кетишидан инҳоятда ташвишланди. Қонли уруш беғубо одамларнинг ноубуд бўлишига, тинч шаҳар ва гуша-нобул бўлишига, ноёб маданият ва тарихий марказларнинг, араб ва шарқ мусулмонлари осори атиқаларининг ер билан усмон бўлишига, экологиянинг ҳалокатга учо-раганига, халқлар ва миллатларнинг ўзаро гаанимидигига олиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳамда жумҳуриятимизнинг сарҳадларига яқин ерларда давом этаётган уруш кун сайин ва соат сайин тобора авжга чиқибатганини ва дахшатли тус олаётганини биз лоқайд қарай олаймиз. Урушнинг давом эта-

Олий Кенгаши хунрезлигини ва ҳарбий ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиш, низоларга чек қўйиш ҳамда бу минтақада БМТ Хавфсизлик Кенгашининг маълум резолюциялари руҳида тинчлик ва умумий ҳамжиҳатликка эришиш учун СССР Олий Кенгашини ва СССР Президентини жаҳон ҳамжамиятидаги ўз нуфузи ва обрў-эътиборидан фойдаланиб, қўшимча чора-тадбирлар қўришга, куч-гайратни оширишга, барча сиёсий восталарини ишга солишга давлат этиди. Бу адолат мезонига ва умумбаршарий қадриятларга, мамлакатимизнинг давлат манфаатларига мос келиши шак-шубҳасиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.**  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 февраль.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ЖАНОБ ПЕРЕС ДЕ КУЭЛЬЯРГА, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВГА, АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ЖОРЖ БУШГА, ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ САДДАМ ҲУСАЙНГА, БУТУН ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Йигирма биринчи аср бўсағасида инсоният олдида ўта муҳим экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кўндалағ бўлиб турган бир пайтда Форс кўрфазида қонли урушлар бўлаётганлиги, беғубо болаларнинг, қариияларнинг, аёлларнинг, умуман одамларнинг ноубуд этилаётганлиги, умуминсоний қадриятларнинг топалаётганлиги барча халқларни жиддий ташвишландирмоқда.

Бу қонли можаро барча халқлар каби ўзбек халқини ҳам ларзага солаётди. Қадим-қадимдан Шому Ироқ Маккаю Мадина бизнинг ота-боболаримиз учун қадимки бўлган. Араб халқлари билан кўҳна маданият алоқаларимиз, диний-маърифий робиталаримиз бор. У юрлардан келётган фарёд садолари, шубҳасиз, бизнинг юрагимизда ҳам акс-субо беради.

Ўзбек халқи ўз бошидан кўп қиррин урушларини кечирган жафоалик халқ. Биз экологик офат нималигини ўз юрагимизда кўриб, билиб турган одамларимиз. Она табиятга таъвоуз инсоният келажакка қилинган таъвоузидир. Дунёга келажак авлодлар олдидаги буюк гуноҳдир. Биз сизга мурожаат қиламиз. Урушни тўхтатиш, можаронини тинч йўл билан ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солинг.

Шарқ халқларининг улуғ байрами бўлган Наврўз кунини яқинлашиб келмоқда. Наврўз тинчлик ва меҳнат байрами. Сулҳ байрамидир. Қадимий одатга кўра, бу кунда урушлар тўхтаган, қаттол душманлар ҳам ярашганлар. Наврўз айёналарига кўра, одамлар бир-бир-дининг директори Фаизулла Нейматуллаевчи Раҳматуллаевнинг.

1990 йил 16 декабрда Бухоро вилоятидаги 178-Олот сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят комитетининг иккинчи котиби Юрий Михайлович Сажиевнинг ваколатлари тўғри деб топилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. ИБРОХИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 февраль.

ларига совғалар беришди. Тинчлик сизнинг инсоният учун бебаҳо тўҳфанинг бўлсин. Наврўз кунини инсоният урушсиз, тинч осмон остида нишонласин. Ахир ҳеч қандай олтин урғавар, оқ олтин қора олтинлар одамзоднинг бир томчи қонига арзимайди.

Ишонимизки, Ўзбек халқининг юрак садосини, қақирғини жаҳон халқлари эшитадилар. Қўллаб-қувватлайдилар ҳамда баҳор байрами Наврўз бундан буюн бутун халқлар учун Тинчлик кунини бўлиб қолади.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ.**  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 февраль.

## СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 18 февраль куни соат 10 да Кремлдаги СССР Олий Кенгаши палаталарининг мажлислар залида Иттифоқ Кенгаши ва Миллатлар Кенгашининг қўшма мажлиси билан омилади.





1991 — Алишер Навоий йили



АЛИШЕР Навоий тўмутафаккир шоирнинг бир — (унгдан) Хуршид Даврон, Асад Дилмурод, Нормурад Нарзуллаев, Нурсат Абдуллаев ва Павел Шуф. Суратда: наشريётнинг етти наشريёт бир лашмаси ноширлари улуғ бир гуруҳ ижодий ходимлари Суратда: наشريётнинг етти наشريёт бир лашмаси ноширлари улуғ бир гуруҳ ижодий ходимлари

ОЛИЙГОҲДА

ТОШКЕНТ машинасозлик олийгоҳининг тайёрлов кулетида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Олийгоҳнинг «Тиллар ва ижтимоий фанлар» кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди Лола Махсумова ўз маърузасида умр бўйи исонининг улуғлигини куйлаган Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида хикоя қилиб берди. Қулёт дедекани ўринбосари, техника фанлари номзоди С. Ҳасанов Навоийнинг кутлуғ маънаси билан йўналишларини таъриқлаб, шоирнинг машҳур ғазаллари хусусида сўзлади. Риёзиёт фанлари номзоди С. Алимухамедов эса Навоий лирикасида тўхталиб, ғазалларидан ўқиб берди. Талабалардан Қ. Матмуродов Алишер Навоий ғазал-

ларининг бадиияти, Ф. Мирзақонов ва Ф. Норматов Навоий замондошлари — Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Хондамир Сайид Хасан Ардашер, Паҳлавон Мухаммад, Ҳусайн Бойқар, Абдулла Хотийфилар ҳақида тўпаланганларга сўзлаб бердилар. Бир қатор толиби илмлар Навоийнинг машҳур ғазаллари ва ҳикматларидан ўқидилар. Ф. МУСАЕВ, Тошкент машинасозлик олийгоҳи ўқитувчиси. ҚИШЛОҚ КЛУБИДА КОММУНИСТИК ноҳияси «Политотдел» жамоа хўжалигининг Кавардон қишлоғи клубида «Ғазал мулкисининг сўботи» номи билан Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган кеча бўлиб ўтди. Л. МАНСУРОВ, жамоатчи мухбир.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «СИГНАЛ» ШИРКАТИ Пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи, Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Тошкент ҳалқ ҳўжалиги олий билимгоҳи, Тошкент политехника олий билимгоҳи, Ўзбекистон Иқтисодий ва саноат вазирлиги Тошкент вилояти бўлими ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳлари, Тошкент болалар шифохоналари олий билимгоҳи, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалиги механика ва ширкати мўҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги олий билимгоҳи каби эътиборли олий ҳўжа даргоҳларига ўқишга киришга тайёр бўлиш мақсадида абитуриентларга қўлайлик яратиб, иккита-учта танловли имтиҳон дастурлари бўйича ЯҚШАНАЛИК

ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Тайёрлов дарслари яқшаба кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Бу эса Тошкент шаҳрида ва айниқса Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун, сўзсиз, катта қўлайликдир. Машгулотлар асосан ихтисослаштирилган тарзда ва кичик-кичик гуруҳлар тартибиде ўтказилади. Машгулотлар Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг абитуриентлари олий ўқув юртига тайёрлашда бош таянч бўлиб ортиртган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олиб борилади. Бундан ташқари, ширкат ўз абитуриентлари учун танловли кириш имтиҳонлари дастури доирасида ранг-баранг мавзуларда маърузалар уюштилади. Абитуриентларнинг бутун ижодий фаолиятларини бошқариб бориш, зарурат туғилган ҳолларда вақти-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиш, тавсия ва кўрсатмаларни бериб боришдек муҳим вазифани ҳам ширкат ўз бўйига олади. «Сигнал» ширкати жамоаси тайёрларнинг сўнгги оқибат-натijasи учун моддий жавобгарлигини ўз зиммасига олади, яъни бу жамоа аъзолари ўз абитуриентларнинг танловли кириш имтиҳонларида асосан «яқши» ва «яъло» баҳолари олишлари ва яқшироқ натижада ўзлари танлашган олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари учун бор имкониятларни ишга солишади. Машгулотлар — ўзбек ва рус тилида олиб борилади. Қабул шартлари билан батафсилроқ танишиш учун қуйидаги манзилларда жойлашган абитуриентлари қабул қилиш ва тайёрлаш марказлари дан биргита (турар жойинингнинг яқинлигига қараб) мурожаат этишингиз мумкин: 1-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй, 1-қават. Тошкент Совет савдоси техникумининг ўқув биносида жойлашган (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати, «Самарқанд» автостанциясидан бир бекат берилди). Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба. 2-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Железнодорожная кўчаси, 128 «а»-уй (1-Сигнал) ширкатида 2-ўрта хўна-техника билим юрти биносидаги маъмурий ва ўқув корпуси). Телефон: 5-04-04, 2-хўна-техника билим юрти Чирчиқ шаҳрининг марказий автостанцияси ва бозори ёнида жойлашган. Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба. 3-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, Келес шаҳри, Октябрь номи 11-ўрта мактаб биносида жойлашган (Охунбоев номи йўлгоҳи мўлжалга олиб борилади). Иш вақти: ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кун — душанба. «СИГНАЛ» ШИРКАТИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

САЊЪАТ ОЛАМИДА

«ҚАҲҚА»НИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган «Қаҳқа» ижодий маркази қонда «Қаҳқа» сатира ва юмор дастаси иш бошлаганига кўл вақт бўлгани йўқ. Истеъдодли санъаткор Санобар Раҳимова бадиий раҳбарлик қилаётган бу жамоа ўзининг кичиқарди томоша дастурлари билан санъат мухлисларининг эътиборини қозонмоқда. «Қаҳқа» ижодкорлари дастаб вилотиамизнинг Ангрен, Олмаотаси, Охангор, Пискент шаҳрлари ҳақида ноҳиялари меҳнатқашларни хузурда бўлишди. Сўнг улар концерт дастурларини пойтахтимиздаги «Ботаника боғи», «Чинобод», Оржоникидзе ноҳиясидаги «8-Март», Тошкент ноҳиясидаги «Тошкент минерал суви» оромгоҳларининг дам олувчиларини эътиборига тақдим қилишди. Шундан кейин кулги усталари Душанбе шаҳри ва Қўрғотепе вилотида меҳмон бўлиб, ўз санъатлари билан қардош тожикистонлик томошабинларни мамнун этишди. Санъат ихлосмандлари Роҳати Йўлдошева, Қўблик Юсуфов, Санобар Раҳимова, Муроджон Облоқов, Жамила Менгубулова, Муродил Солидовнинг раби хушоов хонада, мохир раққоса, созанда ҳақида бадиий сўз усталари ижро этган ҳажий кўшиқлар, рақслар ва кичик сахна асарларидан баҳраманд бўлишди. Айти кунларда тошкентлик санъаткорлар Сурхондарё вилотиининг Жарқўрғон, Гагарин, Шеробод, Термиз ноҳияларида қишлоқ меҳнатқашларига маданий хизмат кўрсатишаптир. Шундан сўнг улар ижодий сафарларини Қашқадарё вилотида давом эттиришади.

Р. ҚУДРАТОВ.

ОШХОНАНИ ИЖАРАГА ОЛИШДИ

АНГРЕН шаҳридаги «Ўзбекрезинотехника» комбинати томонидан қўриб ишга туширилган янги ошхонани бир гуруҳ ёшлар ижарага олишди. Илгарилари корхона ишчилари учун тушлик қилиш энг катта муаммолардан бўлиб келарди. Ижарачилар ишчи-хизматчиларни сифатли миллий таомлар билан хушнуд этишмоқда. Эндиликда бу ошхонада Фақат «Ўзбекрезинотехника» жамоаси эмас, шу атрофдаги картон идишлар комбинати, тош майлалаш заводи ва бошқа корхона, ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ҳам фойдаланмоқдалар.

Холиқ Алибоев бошчилигида меҳнат қилаётган М. Эрматов, Б. Ганиева, С. Файзуллаев, В. Бобоева сингари ошпазлар меҳнатидан, айниқса, аҳоли хурсанд бўлмоқда. Энг муҳими ошхона яқинлабдан ташқари ҳар кун эртадан соат 9 дан кеч соат 6 гача хўрандаларга хизмат кўрсатмоқда. Меҳнатини ташкил этишининг ижара пудрат қўлланилаётганлиги янада яхши самара бермоқда. Хўрандаларга хизмат кўрсатиш маданияти ошди, таомлар сифати яхшиланди. Т. ШЕРАЛИЕВ. М. Уйеур номидаги Тошкент Давлат санъат олийгоҳи толиби.

Саида ЗУННУНОВА хотирасига

Тенги йўқ ҳассос ва дилбар шоира Саида опанинг орамиздан кетганига ҳам ўн уч йил бўлибди. Ҳаёт бўлганларида 65 ёшга кирардилар... Афсуски ҳаёт биз — инсонларнинг раъйини қараб иш кутмайди. Унинг ўз «қонун-қондалари» мавжуд. «Ахшига кун йўқ, ёмонга ўлим» мақоли ёлмаган тўша, шоиранинг умр йўлдоши — Ўзбекистон ССР ҳалқ ёзувчиси Саид Аҳмад тўхнат билан қамалиб кетган йиллардаги ижодията оғир, кўз ёшисиз эслаб бўлмайдиган аҳволини кўз унингта келтираман. Эрини қаматиб тиби-тичицимаган ивгогарлар унга ҳам кун бермадилар. «Халқ душманининг хотинига орамизда ўрин йўқ», деб Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашди, «эридан ажраш»ни талаб қилишди... Қуй нурга тўлгур ёшгина захматқаш аёл эса ҳамама азоб-уқубатларга чидади. Шоиранинг «Мен яхши биламан, пок бўла туриб таъриқкор кўзларга боқиб захматин» мисраларини йиғлаб-йиғлаб ёганга шубҳа қилмайман. Бироқ, у ичи ғамларга тўлиб кетса ҳам, туни билан ухламай фарёд чекиб чиқса ҳам, ҳаттоки оддийгина тирикчилик ўтказиш — ишлашдан маҳрум этилганда ҳам томчи кўз ёшини бирова кўрсатмади, тишини тишига босди... Энг муҳими аёллик садоқатини сақлаб қола билди. Ваҳоланки, ўша тўс-тўполол йилларда қамалган эридан «мажбуран» ва «ўз ихтиёри» билан ажраб, бошқача тегиб кетган ёки ҳўнат йўлини танагани аёллар йўқ эмас эди. Ўн уч йилдан бери армон билан яшайман. Саида опага беҳад ёмонликлар қилган ва ўзларининг ёвузликлари билан унинг умрини қисқартирган жаллодларини ҳар қандамда учратаман, тушларимда кўраман. Ўлиб кетганлари-ку, у дунёда тортаётганлар... Аммо не не истеъдодларининг бошини еб, яна ҳеч нима кўрмагандек, минбарларга сўзлаб, матбуотда қатнашиб юрганларининг (уларнинг айримлари «мен оқман, палочки ҳа-



Саида Зуннунова ёш ижодкорлар даврасида. (Рўзнома архивидан).

Булар сиздан миннатдор РАҲМАТ!

Хурматли муҳаррир! Кейинги вақтларда рўзнома-мағазда ҳадеб танқидий фикрлар кўпайиб кетди. Назаримда ўз ишини ҳалол, виждонан бажараётган кишиларни унутиб қўймоқдамиз. Ана шундайлар ҳақида ҳам тез-тез ёзиб туриш лозим. Халқимиз орасида амониб ўқитувчи, врач, ҳамши-

рларнинг бадияти, Ф. Мирзақонов ва Ф. Норматов Навоий замондошлари — Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Хондамир Сайид Хасан Ардашер, Паҳлавон Мухаммад, Ҳусайн Бойқар, Абдулла Хотийфилар ҳақида тўпаланганларга сўзлаб бердилар. Бир қатор толиби илмлар Навоийнинг машҳур ғазаллари ва ҳикматларидан ўқидилар. Ф. МУСАЕВ, Тошкент машинасозлик олийгоҳи ўқитувчиси. ҚИШЛОҚ КЛУБИДА КОММУНИСТИК ноҳияси «Политотдел» жамоа хўжалигининг Кавардон қишлоғи клубида «Ғазал мулкисининг сўботи» номи билан Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган кеча бўлиб ўтди. Л. МАНСУРОВ, жамоатчи мухбир.

ФАРИШТА АЁЛ ЭДИ...

бажараётган юмушмини ташлаб, бутун борлиғим билан тинглардим. «Субхидам тулшаниб ёр биздан нечун ниҳон кезар». «Субхидамда сувга чиқсан бир йигит хомуш юрар», «Дарёларнинг ул юзиде уларнинг», «Ғуллар юзиде ханда — бу боғдан ёр ўтдим», «Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай» каби ғазалларини юрган йўлида хўрғога қилиб юрардим. Назаримда, уларда аёл қалбининг нафис ва покиза тўғёнлари жамланган бўлиб, ҳанузгача мени ҳайратга солиб келди:

Саида опани ҳаётда биринчи марта 1967 йилнинг ёзида кўрганиман. ТошДДнинг биринчи курс талабаси эдим. Курс раҳбари С. Зуннунова билан ижодий учрашув бўлади, деб бизни Ёзувчилар уюшмасига олиб келди. (Уюшма ҳўзинги ташқи Савдо уйи ўрнидаги эски бинода жойлашган эди). Саида опа ағинга сариқ хонатладан ўзбекча тиктирилган кўйлак кийиб олган эди. Чехрасидан нур ёғилиб турар, майин овози хўсинга ҳус қўшарди. Қизгин савол-жавоблардан сўнг, Саида опа минбарга чиқиб, Саид Аҳмадга бағишланган шеърини ўқиб берди. Саид Аҳмад эса жилмайганча бошини тебратиб ўтирарди. Мен икки ижодкорга шундай ҳавас қилганимдики...

Шоира билан иккинчи учрашувимиз 1975 йилда «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарририяда бўлиб ўтди. Мушорада С. Зуннунова, Миртемир, Э. Воҳидов, А. Ориповдай таниқли ижодкорлар билан бир қаторда мен — элдигири танилаётган бошловчи шоира ҳам иштирок этдим. Ушанда эсла-дики учун олган суратни алоҳида юзга қоғозга ўраб асарайман. Биринчи қаторда: Миртемир домла, жон қадар сўйиб, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ихлос билан сингинганим Саида опа...

Умр эрталарда тасвирланган, кўз очиб юмтуғча манзилга элтиб

Дарёларда ёр сочини ювармикан, Гумонларни ҳаёлидан қуварикан. Йўлларига атир гул райхон эксам. Бир қайрилиб, кўз учиде суарикан. Бундай иболи, ҳаёли, юракка йилан шеърлари Саида опанига ёза олган, холос. Бир кун ирим тундаги чирёқ ёруғиде (у пайларда электр чиройи халқ кўп жойларга ётиб бормаганди) «Алла» дошонини ўқидим. Сўзлар, воқеалар таъсиринда узоқ вақт йиғладим. Айниқса, достондаги: Меҳрибоним кетди-ю, алла, Меҳри кўзимдан кетмади, алла.

Ҳаётнинг роҳатини ҳам, қийноқларини ҳам кўрганман, — дейди кеча сўнгиде сўз олган ёзувчи. — Аммо бутунги армоним ўзим билан кетса керак: етимиш ёшга тўлган кунимда ҳамама нарсани мен билан баҳам қўриб келган Саидхон ёнимда йўқ. Бироқ хотираси юрагимда ҳамиша мен билан яшайди...

Ортиқ бардошим етмади, томоғимга боғиб турган қаттиқ тош тўстидан эриб, қўзларидан томчилаб туша бошладим. Шоира тирик бўлганида, шу кутлуғ кунларда елиб-юғуриб хизмат қилмасанми, «Саидхон» деганингизда минг бор жонини фиёо этмасинди, Саид Аҳмад ака?! Истаймани, кўнглингиз кўнглидек бўлса, Орай-ўйларингиз кўрсангиз аён. Истаймани қўнғулроқ очинган тулдек, Меҳнат, муҳаббатда турсақ ёнма-ён, деб тугалланганидан шеърини қайта-қайта ўқиб бермасинди, ахир?! Яратган Саида опанинг қолган умрини Сизга берсин, руҳи ҳамиша мададкор бўлсин!

Саид Аҳмад ака, орқаваротдан кўп эшитганиман, ўзингиздан бу ҳақида сўраш ноқулай, охири бир сўзба сўз сўраганиман ҳам... «Саидхон дунёга бир келди-ю, кетди. Энди келмайди...» деган эдингиз. Ҳа, Саида опанинг ижодини эмас, балки ошиде ҳам яқин-гоҳилати Сизга аён экан... Ҳўзингиз бу сўзларининг мавриди эмасдир, лекин мени маъзур тутигин, айтмасдан иложим йўқ: Мир Алишер Навоий ҳазратлари «Боштин ағинг яхши» деб васф этган аёлни бугунга келиб оёқ остига ташлаб қўйдилар. Уйда гулдай хотини, шириндан-шакар фарзандлари бўла туриб ўзга аёлларнинг кўнглини овлайдиган, ўз хотинини эса тегиб кириб, тегиб чиқувчи аркалар борган сари кўпайиб кетаётган бир пайда Саида опага нисбатан улкан муҳаббатингизни тавоф эттим, кўзимга тўтнй қилгим келди! Сизни Фарҳодга ўхшатаман, Мажнунга қисёлайман.

Хуллас, Саида опа «ҳар тўқиксини тингласанг кўнғилда бир армони бор» деб таъкидлаганларидек, таъбиревсам гапларини кўп, ало бўлмайди. Мухтасар сўзим шунки, Саида опа «Зуннунованинг ижодидаги ўзбек адабиётининг севиб ўқиладиган, ҳароратли саҳифаларидир». Унда шоиранинг ишқи, кўз нури, юрагининг тафти колганлар. Шунинг учун ҳам унинг хотираси шодумон кунларимизда ҳам, ташвишларимизда ҳам биз билан биргадир, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Гулчехра ЙўЛДОШЕВА. тўғисини бўлиб дўхтирларнинг бундай олижаноблигини энди кўришим. Ҳатто, касалларни эибериб қилгани келган кишилар ҳам руҳдан тетиклашиб, кўнгли тўқ бўлиб кетдилар. Қани энди ҳамама раҳбарлар ҳам шундай бўлса. Халқимизда «Қатраларда қўш акси» деган нақл бор. Ҳамама жойда раҳбар қандай бўлса, ходимлар ҳам шундай яхши фаилатларга эга бўлади. Шифохона бош врач ибромчиси Маҳмуда Назирова, шифоқорлардан Ҳадича Юсупова, Маргарита Осиповна каби ўртоқлар ҳам шундай мулоим. Ҳа ишининг усталари экан. Беморларнинг соғайиб кетишига доирлардан кўра, у кишиларнинг муомаласи кўп таъсир этади десам, янгилимайман. Шифохонадаги ҳамшира Комиласанининг ҳар бир кишига меҳрибонлигига раҳмат айтмай бўлмайди. Мен жуда яхши даво топганим учун ҳам муқтабунни сизга ёздим. Уларга чин дилдан раҳмат.

Д. АЗИМОВА, Тошкент шаҳри, Домбробод даҳаси. Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000, ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32. МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб ўринбосарлари — 325775; БУЛИНМАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълолар бўлими — 325727.